



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 13 май, № 94 (4504)

Сешанба

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАЛАРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Суни қабул қилди.



— Корея Республикасининг янги тайинланган Бош вазири ўзининг илк хорижий сафарини Ўзбекистонга расмий ташрифдан бошлагани икки томонлама муносабатларда муҳим воқеадир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Сизнинг ташрифингизни Жанубий Корея Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қараётганимиз яна бир далили, деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик таъминловчи асосланади. Президент Ислам Каримов жорий йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, ушбу мамлакатнинг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди, қатор музокаралар ўтказди. Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни аънанавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муноса-

батларни ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлади. Бунинг замирида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлар ўхшаш ва яқин эканлиги, ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлиги муҳасамидир.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда қўл хатдан ҳамфикрлиги халқаро сийosat майдонидаги ҳамжиҳатликини ривожлантириш учун замин яратмоқда. БМТ Бош қотиби лавозимига Пан Ги Муннинг номзоди мамлакатимиз томонидан қўллаб-қувватланган эди. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини ёқлайди. Булар давлатларимизнинг сиёсий масалаларда ҳамфикр эканига янги мисол бўла олади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йirik савдо-иқтисодий шерикларидан ҳисобланади. 2007 йилда мамла-

катларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 850 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткични 1 миллиардга етказиш кўзда тутилмоқда. Ишбилармонларнинг алоқалари ривожланиб бораётгани, сармоё оқимини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётгани бунинг учун янги асослар борлигини кўрсатади. Хунсуан, Сеул саммити асосида Президент Ислам Каримов "Korean Air" ва "Корея газ корпорацияси" ("KOGAS") раҳбарлари билан учрашган, ушбу музокаралар Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда сармоё киришини назарда тутадиган натижалар билан аяқлангани бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея юқори технологиялар соҳасида ҳамкорликнинг бой тажрибасига эга. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айна пайтда, барқарор даромад келтирадиган соҳаси саналган автомобилсозлик са-

ноатини ишга туширишда корейлик шериклар билан аяқалар муҳим ўрин тутгани яхши маълум. Айни пайтда саноатнинг бошқа соҳаларида юқори технологияли тармоқлар, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг турлари ўзлаштирилмоқда. Ташкент ахборот технологиялари университетида ўзаро ҳамкорликда очилган Ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ривожидида "Ўзбекистон — Корея Республикаси" дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи Корей таълим маркази муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корей тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида корейшунослик кафедралари ташкил эти-

либ, 112 мактабда корей тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Хан Син Су Президентимиз Ислам Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз мамлакати Ўзбекистон билан стратегик шериклик даражасига чиққан муносабатларни қадрлашини, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўзбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)  
Абдувоҳид ТУРАЕВ  
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 май куни Оқсаройда "Korean Air" авиакомпанияси раиси Янг Хо Чойни қабул қилди.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

— Ушбу мулоқот жорий йилнинг февраль ойида Сеулда бўлиб ўтган учрашувимизнинг узвий давомидир, — деди Ислам Каримов. — Бугунги музокара ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама этиш учун яхши имконият яратди.

Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига ташрифи чоғида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси билан "Korean Air" ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат икки авиакомпаниянинг янги бозорлардан жой олиш, Ўзбекистон логистика инфра-структурасини ривожлантириш, фуқаро авиациясини бошқаришда тажриба алмашиш, кадрлар тайёрлаш борасидаги амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

"Korean Air" ҳаво транспортда юк ташиш борасида жаҳонда биринчи ўринда туради.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифи асосида қилинган келишувга кўра, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" "Korean Air" томонининг таклифига биноан 2008-2009 йилларда "Sky Team" халқаро авиация альянсинга қўшилиши, Йирик авиакомпанияларни бирлаштирган ушбу альянс дунёда йўловчи ва юк ташиш бўйича қатновларнинг 35 фоизини назорат қилади. Мазкур альянс билан ҳамкорлик "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг халқаро авиатранспорт тизими-га интеграциясини янада кучайтиришда, парвозларнинг хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашда янги имкониятлар очди.

Оқсаройда бўлиб ўтган сўзбат чоғида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" билан "Korean Air" ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Пойтахтимизда 12 май куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Корея савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, ёқилғи-энергетика мажмуи, банк-молия, савдо, қурилиш, машинасозлик, озиқ-овқат, табиий ресурслар, кимё, ахборот технологиялари ҳамда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нахимов ҳамда Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси президенти ва бош ижрочи директори Ким Санг Йоль икки давлат раҳбарларининг учрашуварига эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Форумда корейлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодий дўстлиги сармоё жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар йўналишида давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодий тизимда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг имкониятлари катта. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 850 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Корея сармоёси иштирокида 313 қўшма корхона, 73 фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва ёнғил саноат, металлургия қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоёвий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Корея компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг ҳаёт эшиги оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Сунинг учрашуви бўлиб ўтди.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўламини барча соҳаларда кенгайтириб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуварига эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Хан Син Су мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат эканини, Корея Республикаси мамлакатимиз билан ҳамкорликни юксак қадрлашини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, нефть-газ, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, савдо-саноат, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2007 йилда 850 миллион

АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда корейлик сармоёдорлар билан ҳамкорликда тузилган уч юздан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Корейлик ишбилармонлар билан биргаликда саноатнинг янги-янги тармоқлари ўзлаштирилмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг етимишдан зиёд компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Учрашувда икки томонлама савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида 2008-2011 йилларда Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасининг (EDCF) 120 миллион АҚШ долларли миқдоридаги узоқ муддатли имтиёзли кредитини тақдим этиш тўғрисидаги ҳадли келишув, шунингдек, стандартлаштириш, геология, илим-фанни ривожлантириш муассасалари, нефть-газ компаниялари ҳамда "Асакабанк" билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда.)

## МЕН ҚИЛАЁТГАН ИШ АБАДИЙ ҚОЛСИН

бу даъват юртимиз ёшлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Ушбу сана муносабати билан олис ҳудудларда, туман ва шаҳар марказларида тадбирлар ташкил этилиб, ўтганлар руҳига ҳурмат бўжо келтирилди, бугун ёнимизда яшаётган, ҳаётнинг қувони ва ташвишларини биз билан баҳам кўраётган муҳтарам отахон онахонларимизга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди.

Шу куни Президентимизнинг пойтахтимиздаги Хотира майдонидан уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари билан учрашувда, шунингдек, пойтахтимизда бунёд этилаётган Болалар иқдодий кўргазма марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари, тақлифлари барҳада катта таассурот қолдирди. Айниқса, ёшлар ҳамда айтган сўзлари юртимиз ёшларига ўзгача гурур ва ифтихор бахш этиш билан бирга, уларнинг зиммаларидаги улкан масъулятини янада чуқурроқ ан-

лаб этишлари учун ўзига хос йўланма бўлди.

### Муносиб бўлайлик

Тарихдан биламизки, уруш ҳеч бир давлатга яхшилик келтирмаган. Шу жумладан, Иккинчи жаҳон уруши ҳам. Ана шу жангу жадалларда катта талафотлар эвазига тинч ва осуда ҳаёт учун мардлик ва фидойилик кўрсатган ота-боболаримиз жасорати бизга доимо ибратдир. Президентимиз Хотира майдонидан шу ҳақда гапирганида, ёшларнинг эътиборини

бир ҳижатга қаратилар. Яъни, ота-боболаримиз бугунги ҳаётимиз учун, юртимизнинг эркин ва озод бўлиши, одамларимизнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечирishi учун, халқимизнинг ор-номусини ҳимоялаш, Ватанимизнинг шону шукратини юксалтириш учун қандай машаққатли кунларни бошларидан кечиргани, шу йўлда жонларини фидо этиб, қаҳармонлик қурсатгани ёшларимизнинг юрагидан жой топ-

(Давоми 2-бетда.)

## ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИ ЖОЗИБАСИ

Йил — ўн икки ой, деймиз. Ўн икки ойнинг ҳар уч ойи эса — йилнинг бир чораги. Одатда, ирмоқлар қўшилиб жўшқин дарёни ҳосил қилганидек, чораклар ҳам пироваддада ўз жозибалари ила йил сарҳисининг салмогини намойиш этади. Шу маънода, жорий йил биринчи чоранинг жозибаси нимада?

Бунинг келинг, бир рақам талқинида кўриб чиқайлик.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 апрелдаги мажлисида қайд этилганидек, январь-март ойлари мобайнида мамлакатимизда 105 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Бу кўпми ё о? Аввало, 2007 йилнинг шу даврида 43 та инфратузилма ва ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга қўйилгани назарда тутилган ўтган уч ой ичида бу борада қариб 2,5 баравар ўсишга эришилгани ойдинлашади.

Хўш, мазкур янги ишлаб чиқариш объекти қайси омиллар ҳисобига қад ростланди?

Президентимиз 2007 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йуллари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисидаги маърузада «Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илгор ва юксак технологияли ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этишдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиланмасдан туриб, иқтисодий тизим келажакни, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас», деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бу вазифаларни ҳал этиш мақсадида ҳисобот даврида республикамиз бўйича жамий капитал қўйимларининг 72,6 фоиз ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Жумладан, ишлаб чиқ-

риш инвестицияларининг 42,7 фоизи янги қурилишга, 45,4 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация ва реконструкция қилишга сарфланди. Бошқача айтганда, юртимизда инвестиция сиёсати бўйича ишловларни чуқурлаштиришга ёрдам берди, саноат корхоналарини техник модернизациялашга доир йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратди.

### Талқин

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади: янги корхоналар иқтисодий тизимнинг келажакни, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришни таъминлашга қай даражада ўз ҳиссасини қўлади?

Аваламбор, биринчи чорада фойдаланишга топширилган 105 та ишлаб чиқариш объектининг 43 таси озиқ-овқат саноатига тўғри келганини айтиб ўтиш лозим. Уларда, асосан, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа ҳаётий зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу, аслида, ҳукумати-

миз томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари турларини янада қўлайлаштириш ва сифатини ошириш, қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарини улар билан барқарор тулдириб бориш юзасидан белгиланган вазифалар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамизнинг ушбу йўналишидаги ишлаб чиқариш тизими шундай салоҳиятга эгаки, у аҳолининг дон, ун, усимлик ёғи ва бошқа турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътибонини тўла қоплайди. Шу билан бирга, омиборларда шакллантирилган ана шу товарларнинг захиралари эса икки истеъмол бозорининг узлуқсиз тўлдирилишига таъмин-лай олади. Бундай тўқинчиликка ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Иккинчидан, яқунланган уч ой давомида енгил ва тўқимачилик саноати-

мидаги корхоналар сони 20 тага қўпайди. Бу — соҳада илм-калавва, тўқимачилик, чарм ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шойи ва толани қайта ишлаш ҳажми янада ортади, дегани.

Учинчидан, ўтган даврда юртимизнинг қурилиш материаллари саноатида ҳам 29 та янги корхона иш бошлади. Ана шу корхоналарда гипс, пластик ромлар, эшиклар, шифер ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, ўз навбатида, барча вилоятларда, шаҳар ва туманларда бунёдкорлик ишлари янада авж олишига хизмат қилади.

Қолаверса, ҳисобот даврида қўллаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам бунёд этилдики, улар аҳоли бандлиги ва даромадини оширишда ўзига хос локомотив вазифасини адо этишмоқда.

Иқром ҲУТБОСАРОВ.

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Корея Бош вазирлари икки мамлакат ишбилармон дорларлари вакиллари билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Корея бизнес-форуми самарали кечгани таъкидланди. Кореялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишгани, икки мамлакатнинг машинасозлик, нефть-газ, энергетика, савдо, банк-молия соҳаларидаги алоқаларини янада кенгайтириш ва Жанубий Корея компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенг жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

гани, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари қўриб чиқилгани кайд этилди.

Бош вазирлар Сурғил лойиҳаси бўйича "UzKorGasChemical" қўшма корхонасининг очилиш маросимида қатнашдилар. Ушбу юрtdаги Сурғил конида геолог-ия-разведка ишларини олиб бориш, конларни ўзлаштириш, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу қўшма корхона Президент Ислам Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йил март ойидаги давлат ташрифи чоғида "Корея газ корпорацияси" ("КОГАЗ") билан "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган ағлашув меморандумига мувофиқ ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларига тенг.

"Ўзбекнефтегаз" миллий хол-

динг компанияси билан "Корея газ корпорацияси" ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳамда диметил эфирини ишлаб чиқариш ва босимли газ технологияларидан фойдаланиш лойиҳасини ривожлантириш, "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефть корпорацияси ўртасида нефть-газ соҳасида ўзаро ҳамкорлик туғрисидаги ағлашув меморандумлари имзоланди.

Хан Син Су Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев хамроҳлигида Олмалик кон-металлургия комбинатида ташриф бурди. Ушбу конбинат кон хом ашёси ишлаб чиқарадиган тўртта корхона, сульфат кислотаси ишлаб чиқарувчи иккита металлургия заводи, механика-таъмирлаш ва оҳак заводи, кўпбал ёрдამчи цехларни ўзида бirlаштирган йирик санoат мажмуидир. Унинг 70 фоиз маҳ-

сулоти хорижга экспорт қилинади.

Хан Син Су комбинат фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Корея Республикаси Бош вазир Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди.

Меҳмон Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуа мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, айниқса, халқимиз бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятининг ёрқин намоёни эканини алоҳида таъкидлади.

Хан Син Су Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илгизар Собиров билан музокара ўтказди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

## ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда Жанубий Кореянинг элликдан зиёд йирик компаниясидан юзга яқин вакил иштирок этди. Хусусан, "Кореан Эйр", "Асиана Эйрлайнз" (авиаташув), "Вуми", "Тэбэк", "Ил Янг", "Пунг Сунг", "Се-ох" (қурилиш), "Хендэ-Эк-сим" (машинасозлик), "Эк-симбанк" (банк-молия, сармоя), "КАДО" (рақамли технологиялар) каби компаниялар Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги кайд этилди.

Корея делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари билан бўлиб, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбири.

## ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Демографик ҳолат — муайян ҳудуд ёки мамлакат аҳолиси тўғрисида маълумотлар мажмуи. У фуқароларнинг ишсизлик даражасини ҳам аниқ кўрсатиб беради. Маълумотларга кўра, Қашқадарё вилояти аҳолиси қарийб 2,5 миллион кишини ташкил этади. Унинг 67 фоизи 30 ёшга бўлган ёшлардир. Шу боис, бу ерда демографик сўбат босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган дастурлар аҳоли ҳароматини ошириш, соғлом авлодини тарбиялаш, ҳар бир фуқарога эркин меҳнат қилиш имкониятини яратиб беришга қаратилган бўлиб, бунда меҳнат бозори ҳолатини ўрганишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Хусусан, оилаларнинг даромадини ошириш мақсадида тажриба тариқасида илк бор Шаҳрисабз туманидаги «Хисорак», «Хитой», Чироқчи туманидаги «Хардури», Китоб туманидаги «Паландара» ва Яқабоб туманидаги «Тотар» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги 22,3 миңдан зиёд кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оилалар микрокре-

туфайли 204,3 миң оила 12 миллиард сўмлик турли қўриқ-нишдаги ёрдამлардан баҳраманд бўлди. 4375 та кам таъминланган ва кўп болали оилалар бепул қорамол берилди. 7972 та кам таъминланган оила аъзолари номига банкларда омонат дафтарчалари очилиб, 407 миллион сўм маблағ кўйилди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромад манбаини шакллантириш ва касаначиликка кенг йўл очиб мақсадида 983 та оилалар бепул тикув машинаси олиб берилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ эса, иқтисодиётнинг барча тармоқларида 33,4 миңга янги иш ўрни ташкил этиш учун 59 миллиард сўм маблағ ажратилди, 16,1 миң нафар ёш корхона ва ташкилотларда ишга joyлаштирилди. Шу билан бирга, 6 миң нафар ёш тадбиркор фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 8,3 миллиард сўм, 350 та ёш оилаларга ўз-ўзидан ишга joyлаштириш учун 4,5 миллиард сўм миқдорда ипотека, 4000 та ёш оилаларга 4 миллиард сўм миқдорда истеъмол кредитлари бериш мўлжалланмоқда.

Айни кунларда «Ипотека-банк»нинг вилоят филиали маблағлари ҳисобидан Қарши шаҳридаги 6-кичи туманда ёш оилалар учун 32 хонадонли кўп қаватли турархона биноси қурилмоқда. Шаҳардаги «Ўзбекистон» қўшасида ҳам шундай бино қуриш кўзда тутилмоқда.

Қатрада қуёш акс этганидек, ана шу ишларнинг ҳар бирида эзгулик қўлами ва моҳияти намоён бўлмоқда.

Абдулла БОБОЕВ.



Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Автоолам маликаси — 2008» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

## Автоолам маликалари

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасидаги ушбу танлов Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Спортни оммавийлаштириш, йўл ҳаракати қондаларига амал қилинишни изчил таъминлаш, транспорт техникасини бошқариш бўйича билим, кўникма ва маҳоратни ошириш ҳамда юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг техника имкониятлари ва қўлайликларини намоён этиш мақсадида ташкил қилинган мусобақада вилоят босқичларида муваффақиятли қатнашган ўттиз нафардан ортиқ хотин-қиз ўз маҳоратларини синдовдан ўтказдилар.

Ўқунда барча шартларни муваффақиятли бажарган пойтахтимиздаги 126-мактаб директори Худоят Мадаминова «Автоолам маликаси — 2008» танлови мутлақ ғолибаси, деб топилди ва ҳоймилар томонидан компьютер билан тақдирланди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар ҳам диллом ҳамда қўimmatбахор совғалар билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# МЕН ҚИЛАЁТГАН ИШ АБАДИЙ ҚОЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

са ва улар ўзига савол берса: ота-боболарим эл-юрт учун ўзини аямасдан, бугунги ва эртанги кунимиз учун шундай катта хизмат қилган бўлса, менинг ҳам бу улук ишларга ўз ҳиссамни қўшишга қўриб-қўдратим етарми? Улар бошлаган ишларни давом эттириш, халқимизнинг эзгу мақсадларга етиши учун муносиб фарзанд, муносиб ўғлон бўлиб яшашга тайёрманми, деган фикр қалбидан, юрагидан яна бир бор ўтадиган бўлса, бундай руҳ ва кайфият, ҳеч шубҳасиз, Хотира ва қадрлаш кунининг энг муҳим натижаларидан бўлиб, катта тарбиявий аҳамият касб этган бўлур эди, дедилар.

Албатта, мана шу давлат ва йўл-йўриқ биз, ёшларни атрофга теранроқ назар ташлашга, улук мақсадлар йўлида дадил одимлаб бораётган юртимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўли билан муносиб авлод бўлиб шаклланишимизга катта туртки беради. Ва ишонтириб айтмай, биз, албатта, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун

бор имконият ва салоҳиятимизни ишга солашимиз.

Фулмон ИШМОНОВ, Тошкент Олий умумқўшун кўмондонлик билим юрти курсанти.

## Ҳар бир авлод фахрланади

Бугун ёшларга қанчалик катта эътибор берилётган бўлса, бу авлод зиммасида яна шунча масъулият турганини ҳам қўрсатади. Биз бунини диддан ҳис қилишимиз ва муносиб ҳисоб беришимиз лозим.

Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунини ёшлар ҳақида жуда муҳим фикрларни билдирдилар. Хусусан, шу кунини пойтахтимизда қад рoстлoётган Болалар иқодиёти қўргазма-марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш пайтида айтган сўзлари қалбимиздан чуқур жой олди. Бугун барпо этилаётган иншоотлар арслар давомидида келгуси авлодларга хизмат қилибгина қолмай, балки уларда ўз аждодларининг нозик диди ва бунёд-

корлик салоҳиятидан фахрланиш ва гурурланиш туйғуларини ҳам уйғотсин, деди Юртобшимиз. Биз ёшлар ҳам ўз ҳаётимизга ана шундай юксак мезонлар билан ёндашмоғимиз керак.

Дарҳақиқат, ҳозирги ёшлар келажақ учун муносиб пойдевор яратувчи алоҳида масъулиятли авлоддир. Улар бугун ўзини кўрсатиши, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг раванқи учун ўз улусини қўлиши, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида хал қилувчи куч эканликларини қалбдан ҳис қилишлари ва бунини амалда иш-ботлашлари лозим. Бунинг учун биз — ёшларда имконият ҳам, куч-қўдрат ҳам етарли.

туриб, бу борадаги фикрларидан ўзимга тегишли хулосалар чиқариб олдим. Юртимиз раҳбари нуруний отахон онахонларимиз ҳақида гапирар эканлар, қайси оилаларда табаррук кексалар бўлса, шу жойда, албатта, файзу барак, аҳиллик ва тотувлик бўлади, дедилар. Чўни бу мўътабар зогларни баъжосли хонадонларимиз фаршдаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Шундай экан, отахон ва онахонларимизнинг дуосини олиш, уларга энг самимий тилакларимизни билдириш — барчамиз учун катта бахт.

Биз, ёшлар мана шуни дилдан ҳис қилиб, қўни қўрган кексаларимизнинг эҳтиромини ўрнига қўйишимиз, ибратли амалларини ўрганишимиз ва шу орқали Ватанимиз учун муносиб фарзанд бўлиб вояга етишимиз лозим.

дея ишонч билдирганларида, қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлади. Сичи, бундай эътибор дўнённинг ҳеч бир давлатида йўқ. Масалан, жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги гамжўрлик давлат сиёсати даражасида эканини яна бир қарра тасдиқлади. Биз учун фаолият майдонини ҳар қачонгидан қўра кенгайтири.

Пойтахтимизда қад рoстлoётган Болалар иқодиёти қўргазма-маркази ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Президентимиз Хотира ва қадрлаш кунини шу бино қурилиши билан танишганларини телевизор орқали қўриб қувондик. У ерда Юртобшимиз мутаассиларга ўз тавсияларини бердилар. Бу бинода болалар учун барча шароитлар яратиб берилишини таъкидладилар. Мана шундай муҳташам қончаларнинг барпо этилиши ёшлар орасидан истеъодларни кашф этишга, уларнинг Ўзбекистон довергини дунёга ёйдиган авлод бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

Азамат КАМОЛОВ, Тошкент вилояти педагогика институтини талабаси.

Ҳал қилувчи куч Президентимиз ҳаммиса ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучидир.

Юлдуз ФАЙЗИ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

## Мавсумга тайёрмиз

Шеробод тумани машина-трактор паркидаги мавжуд агрегатлар сифатли таъмирланиб, галла ўрими-йиғими мавсумига тайёр ҳолга келтирилди. Жорий йилда 33 та комбайн ёрдамида 13 миң 366 гектар майдондаги галла ҳосилини ўриб, йиғиб-териб олиш режалаштирилган.

### Тараддуд

Туман МТП жамоаси ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш учун ишни икки-уч сменада ташкил этишни мўлжалламоқда. Шунингдек, 16 та қўшма устакхона ва ёнилиги қўйиш шохбoчаси ҳам иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

СУРАТДА: комбайнчи Баҳодир Зиёқулов. Искандар ХҲЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



## Яхши хабар

Қизилтепа туманидаги «Малобар сик» қўшма корхонасида ўтган бир йил ичида пилладан 25 тонна тола олиниб, хорижлик харидорларга жўнатилди.

## Ипаклари тиллодан

Бу йил эса фермерлар билан 257 тонна «кумуш тола» харид қилиш бўйича шартнома имзоланди. 120 нафар қиз-жувон меҳнат қилаётган корхона жамоаси айни пайтда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида изланишлар олиб бормоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш, аудио-видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг сотилишини тартибга солиш борасида ҳам бир қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги «Гастроль-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарини тарқатишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларининг бажарилиши солиқ органларида назоратта олинган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар давлат солиқ идоралари томонидан белгиланган чора-тадбирлар режасига асосан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари ҳодимлари ўртасида мунтазам равишда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб бoрилмоқда.

Бироқ бугунги кунда ўз фаолиятини амалдаги қўриқчиликка зид равишда ташкил этиб, мўмай даромад топишга интилаётган айрим тадбиркорлар ҳамон учраб турибди. Тошкент шаҳар Давлат солиқ

бошқармаси томонидан 2008 йил 1-чораги мобайнида аудио-видео маҳсулотларининг белгиланган тартибда сотилиши бўйича қоздан ортиқ текшириш ва рейдлар ўтказилганда, бир қатор қўриқчилик ҳолатлари аниқланди. Жумладан, қарор талабларининг юридик шахслар томонидан бажарилиши юзасидан ўтказилган текширишлар чоғида 31 ҳолатда ноқонуний равишда аудио-видео ва лазер дискларини ёзиш ҳамда муомалага чиқариш ҳолатлари кузатилиди. Натijasда, ҳуқуқбузарлардан 624,2 млн. сўмлик 114,3 миң дoна ёзувли аудио-видео ва лазер дисклари олиб қўйилди.

Савдо шохбoчаларида факат руҳсат этилган ёзувли аудио-видео

маҳсулотлари сотилиши қўриқчиликка аён. Шундай бўлса-да, 297,0 миң сўмлик 314 дoна руҳсат этилмаган бундай маҳсулотларнинг сотилаётганлигини қандай изохлаш мумкин?

Савдо шохбoчаларида ўтказилган текширишларнинг 22 ҳолатида ҳисоб-китоб қилиш жараёнида аҳолидан тушган 1009,0 миң сўм нақд пул назорат-касса машинасида қайд этилмагани, яъни харидорга чек берилмагани маълум бўлди.

Бундан ташқари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга қарашли савдо шохбo-

## Қарор ва ижро

чаларида ўтказилган текширишларда ҳам қўриқчилик ҳолатлари содир этилмоқда. Мисол учун, текширишларнинг 28 ҳолатида ноқонуний равишда ёзувли аудио-видео ва лазер дисклари сотилаётганлиги аниқланди. Пировадиди, ҳуқуқбузарлардан 12,2 млн. сўмлик 6028 дoна маҳсулот олиб қўйилди.

Хусусий тадбиркорларнинг савдо тармоқларида ўтказилган текширишлар жараёнида эса, 21 ҳолатда 8,3 млн. сўмлик 5859 дoна аудио-видео ва лазер дисклари сотилаётганлиги туфайли ушбу товарлар ҳам вақтинчалик савдодан олинди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида бундай ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича қўриқчилик қўйилган бўлганда, Шундан келиб чиқиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан 48 та текшириш ҳужжатлари суд идораларига юборилди ва қарор талабларини бузган шахсларга нисбатан 1551,9 миң сўм маъмурий жарима қўлла-

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 13 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйиладиган қийматини белгилайди: %

1 Австралия доллари	1232,25	1 Малайзия рингити	412,48
1 Англия фунт стерлинги	2569,24	1 Поляна злотийи	588,01
1 Дания кронаси	270,53	1 СДР	2115,25
1 БАА дирҳами	355,64	1 Туркия лираси	1037,45
1 АҚШ доллари	1306,04	1 Швейцария франки	1239,48
1 Миср фунти	244,35	1 ЕВРО	2017,83
1 Нидерланд кронаси	17,04	10 Жанубий Корея вони	12,77
1 Канада доллари	1292,60	10 Япония енаси	124,66
1 Ҳитой юани	186,83	1 Россия рубли	54,96
		1 Украина гривнаси	258,62

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

дoна ёзувли маҳсулот олиб қўйилди. Чўночи, 2008 йил 16 февраль кунини Ҳамза туманида жойлашган «Янгиобод иқтисослашган бозори» ОАЖ ҳудудида ўтказилган рейд тадбирларида фуқаро Шерзод Курбoнов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат органларида рўйхатдан ўтмасдан, ноқонуний равишда турли мавзудардаги кино ва ёзувли аудио-видео маҳсулотлари билан савдо қилаётганлиги ошкор бўлди. Бу ҳуқуқбузардан 1,8 млн. сўмлик қўриқчилик қўйилди. Бу ҳуқуқбузардан 1,8 млн. сўмлик қўриқчилик қўйилди. Бу ҳуқуқбузардан 1,8 млн. сўмлик қўриқчилик қўйилди.

Тошкент шаҳридаги бозорларда қарор талабларининг бажарилиши юзасидан солиқ идоралари томонидан ўтказилган рейд тадбирларида ҳам 90 ҳолатда жисмоний шахслар томонидан аудио-видео ва MP 3 форматдаги дисклари ноқонуний равишда сотилаётганлиги аниқланди, қўриқчилик қўйилди.

Ана шу қўриқчилик ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда, баъзи тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар аудио-видео маҳсулотларини сотиш қондалари ҳамда ушбу соҳани тартибга солиш бўйича қабул қилинган ҳужжат қарори талабларидан хабардор бўлсалар-да, ноқонуний фаолият юритишни афзал қўраётганлари ойдinчланиди. Ҳoлбуки, амалдаги қонун ва қарорлар талабларига риоя этиш барча фуқароларнинг бурдидир.

Акмал ИНОЯТОВ, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хитойда кучли ер силкиниши


Хитой гарбида кучли ер силкиниши рўй берди.

"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, табиий офат Рихтер шкаласи бўйича 7,8 баллга тенг бўлган. Зилзила маркази мамлакатнинг Сичуан музофотида қайд этилди.

Ер қимирлаши оқибатида тўрт киши ҳалок бўлди, юзлаб одамлар жароҳатланди. Кўплаб аҳоли тураржойлари ва ўқув муассасалари бинолари жиддий зарар кўрди.

«Темир қор» ёғмоқда

Айни пайтда Меркурий сайёрасида антиқа табиат ҳодисаси кузатишмоқда.



Гап шундаки, АҚШнинг Иллинойс университети ва бошқа илмий ўқув юртлиари

олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотда маълум бўлишича, Меркурийда «Темир қор» ёғмоқда. Бу майда жисмлар Ерга ҳам тушиши мумкинлиги тахмин қилинаётган.

Тадқиқотчиларнинг маъқур илмий иши яқинда "Geophysical Research Letters" журналида ҳам босилди.

Бедарак йўқолганлар

Мянамада содир бўлган «Наргис» тўғони мамлакат ҳаётини издан чиқариб юборди.

Бу ҳақда БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш бошқармаси маълум қилди. Яқинда кунчи мамлакат телевиденсис «Наргис» циклонини 28 минг кишининг ҳаётига зомин бўлганини қайд этди. Бедарак йўқолганлар сони эса 220 минг кишидан ошиб кетганлиги айтилмоқда.

"The Times" нашрининг ёзишича, агар мамлакатта тезкорлик билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмаса, тарқалиши эҳтимоли бўлган юқумли касалликлар оқибатида қурбонлар сони миллионга етиши мумкин.

Нефтнинг бир баррели 125 \$



Жаҳон савдо бозорларида нефтнинг бир баррели 125 долларга етди. Таҳлилчилар Нигерия ва Ироқнинг нефтни етказиб беришида айрим қисқартришларга йўл қўйганини бунга сабаб этиб кўрсатмоқда.

Бу танқислик ҳали «қора олтин» нарҳини янада ошириши мумкин.

Янги авлод машинаси

Яқин ўн йилликда дунёда электр ёрдамида ҳаракатланадиган автомобилларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ҳақда Германиянинг «Audi» компанияси раҳбари Руперт Стадлер маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, электр автомобилларини айнан «Audi» компанияси ишлаб чиқаради.



Компания раҳбари янги авлод машинасининг лойиҳасини кўрсатмаган эрса-да, бироқ бу автоуловлар истеъмолчилар талабини қондиришга ҳизмат қилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

LUKOIL advertisement with logo and text: надежность в любых условиях. Реализация со склада в Ташкенте фасованных моторных масел. Тел.: 140-04-25, 140-04-26.

Яқинда Тошкентга борганимда устоз журналистлардан бирига Самарқандда йигитларни баҳорги чакирувга кузатиш маросимлари мазмунли ўтаётгани, ҳарбийлар билан жамоатчилик ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилгани ҳақида гапириб бердим.

ҲАЁТ МАКТАБИ

— Нега шу мулоҳазаларни ёзмайсиз? — деди у киши. — Эадик, ахборотлар бердик. Энди эса ёзган билан қизиғи йўқдек. Муштарий ҳамма ахборотларни олиб бўлди. — Ахборот ўз йўлига. Аммо масала моҳиятини батафсилроқ ифода этмоқ лозим. Ёшларни Ватан ҳимоясига жўнатишга қўрилган тайёргарлик ва уни

ўтказиш чоғидаги ўзига хослик тўғрисида ёзинг. Токи бу моҳиятни нафақат ҳарбийлар, ота-оналар, бутун жамоатчилик чуқур тушуниб етсин. Негаки, Ватан ҳимояси деган тушунча қалбимизда ҳар лаҳзада уйғоқ турмоғи керак. Очиги, устознинг турткисидан сўнг ушбу мақолага қўл урдим.

Мардлар кўриклайди Ватан!



ҳам улар хотирасини ёддан чиқармаслигимиз керак.

«Аскарга турмушга чиқсам...»

Келинг, ҳаммамиз учун таниш бир ҳолатни кўз олдимизга келтирайлик: даврадами, кўчадами, тўй-ҳашамдами — қаерда бўлмасин, ҳарбий либосдаги киши доимо диққатимизни тортади. Барваста бўйли, чайир, кўзлари порлаб турган, қадам босишлари ихчам ва дадил, кўрагига орден ва нишон тақилган, миллий ҳарбий либос кийган офицер ёки аскарга ҳамма ҳавас билан қарайди.

Қизлар армияга бориб келган йигитларга турмушга чиқишни орау қилишди. Болакайлар эса ҳарбийдан қайтган акасининг бош кийимини кийиб, ҳавас билан суратга тушгиси келади.

Дарҳақиқат, ҳарбийларга кўзимиз тушганда улғур Ватан сарҳадлари ҳамда уни мардона туриб ҳимоя қилаётган жасур йигитлар ҳаёлимизда намоян бўлади. Биз бундай кишиларда мардлик, юртга садоқат тисолини кўрамыз. Ана шундай фидойи йигитлар туфайли эркин мамлакатда осойишта, ҳавф-хатарсиз ҳаёт кечиришимиз мумкинлигига ишонамиз.

Зеро, бу ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Негаки, мустақиллик йилларида галамислар ҳуруж қилганда посбонларимиз қудратини кўрдик. Мард, баҳодир ўғуллар биз-у сингизинг бугунги тинч ҳаётимиз учун ўзларини қурбон қилишди. Бинобарин, бугунги осойишта турмуш қадрига етиш учун

Дилором ОПАНИНГ НИЯТИ

Қорақилшоқ Иштихон туманининг энг чеккасида жойлашган. Абдор Жаббаров шу қишлоқда туғилиб ўсган. Ўрта мактабда ўқиди, кейинроқ қаратэ билан жиддий шугулланиб, «қора бел-бор» олди. Ҳамқишлоқ болаларга шу спорт тури бўйича устозлик ҳам қила бошлади. Сўнг Дилором опа бу учинчи ўғлига ҳам, удумимизга кўра, нон тишлаб аскарликка кузатди.

2005 йилнинг 29 октябрида Абдор аввалгидан ҳам барваста, чиройли бўлиб, кўзни яшнатадиган либосда Қорақилшоққа қайтди.

Ҳовли бир зумда қавм-қариндош, ошина-оғайнига тўлиб кетди. Қаҳрамон ака ният қилиб боқиб юрган кўйини сўйиб, шўрва осди. Тўймисан тўй бўлди. Кексалар юртга ҳизмат қилган йигитни дуо қилишди. Дўстлари ҳавас-да. Қизлар эса «зашитдингим, Абдор ака бирам кўркам йигит бўлибдики» дея бир-бирига шивирлайди. Шогирд қаратэчиларнинг қувончини айтмайсизми! Негаки, уларнинг устози армиядан қайтди, демек машғулотлар яна давом этади.

— Отам Маждид бобо иккинчи жаҳон урушида қатнашган, — дейди Дилором опа. — Унга уяртларда қон кечган. Умининг охиригача «Болам,

ўз юртинга ҳизмат қилиш катта бахт» дерди раҳматли. Шўкр, уч ўғлим ҳам мустақил Ўзбекистонимизга ҳизмат қилишди. Аскар оиласи билан мустақил рўзгор тебратаяпти. Аҳор отасининг ёнида деҳқончилик қилаяпти.

Аброр 2006 йилда Президент берган имтиёз — тавсияномадан фойдаланиб, олий ўқув юртига ўқишга кирди. Утган йилнинг кузига қизлари Гаваҳар ва Шаҳнозани турмушга узатди.

— Қаранг, — дейди Аскар. — 16-17 ёшдан йигитларни ҳарбийга тайёрлашди. Кўплаб тенгдошларим тебибий қўриқдан ўтганда аниқланган касалликларини даволашди. Ҳарбийда янада чиникиб, ҳатто илми бўлиб қайтишди. Аскарларнинг, командирларнинг бир-бирига меҳрибонлиги, талабчанлиги, иқтидорни намойиш этишга яратилган шароит туфайли ҳизматдошлар билан хайрлашиш ҳам осон кечмайди.

Собиқ аскар гурурини кўрган, Юртбошимизнинг «Қуролли Кучлар сарфиди ҳизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло муболага бўлмайди.

Ислохотлар самараси

Хар қайси давлат армиясининг қудратли иккита мезон билан ўлланади. Биринчиси — замонавий техник жиҳоз, иккинчиси эса халқ билан ҳамкорлигидир. Қуролли Кучлар учун, муҳими, нимани ва қимдан ҳимоя қилишдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган ҳарбий ислохотларда масаланинг биринчи йўналиши бўйича жуда катта ишлар қилинди. Қуролли Кучларимиз энг замонавий техника воситалари билан таъминланди.

— Ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг маънавий самарасини янада чуқурроқ ҳис этаёلمиз, — дейди Самарқанд вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, офицер Эркин Абдураҳмонов. — Нафақат вилоят ҳокимлиги, балки жамоатчиликнинг ҳам муносабати ўзгарган бизга.

— Эркин Раҳимовичнинг гапида жон бор, — сўхбатимизга қўшилди республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Йулдош Суянов. — Илгари санга 10-15 кун қолгандагина ҳарбийлар эслаб қўйиларди. 5-6 йилдан буён бундай тадбирлар йил давомида ўтказилди. Масалан, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик билим юрти, сержантлар тайёрлаш мактаби битирувчиларига диплом ва сертификатлар топшириш маросимлари Регистон майдонинда, Амир Темур ҳайкали мажмуасида уюштирилди. Муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш маросимлари ҳам жа-

моатчилик иштирокида тантанали равишда ўтказилди. Бундай муҳитда йигитлар қалбида соҳибқирон авлодлари сифатида жасоратли бўлишга, ота-она, жамоатчилик ишончини оқлашга интилиш туйғулари жўш урса, ажабмас.

Энди яна асосий қаҳрамонимиз Абдор билан сўхбатга қайтамиз. — Биласизми, йигитлар ҳарбий хизматга чиниққан, спортнинг бирор турида аризуғилж натижага эришган ҳолда бориш кераклигини тушуниб етишяпти, — дейди у. — Масалан, ўзим 4 йил қаратэ билан шугулланиб, «қора бел-бор» олган, хизматга бордим. Аслида армияга ҳам шунақа йигитлар керак экан.

— Аскар тўйда қимлар кўпроқ эътиборингизни тортди? — Шогирдларим, болакайлар. Ўшанда қизик бўлди. Онам мен тишлаб кетган ва уй тўрида асраб сақланган нонин олиб чиққанда уни болакайлар талашиб ёйишди. Кийимларини галамга қийишди. Айтгандай, эсимдан чиқай депти: Жаҳонгир, Бунёд сингари шогирдларим ҳам қаратэда хийи на-тижага эришган, ҳарбийга боришга улғурилди. Қишлоғимизда бу нарса аянча айлиниб бораётган.

Шўкр, бугун Ватан сарҳадларида осойишталик. Ўз армиямиз, ўз халқимиз билан ҳар қандай душманга зарба бера олишимизни исботладик. Фаровон турмушимизни қўрқолмайдиганлар эркин элга пўниси қилиш фойдасиз эканлигини англаб етдилар. Бундай шонли, ватанларвар, мард, баҳодир халқнинг армияси ардоқлашга арзийди.

Фармон ТОШЕВ, журналист.

Бандлик

Тошкент туманида вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Бандлик-ка кўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

255 киши ишли бўлди

Ярмаркада Тошкент шаҳри ва вилоятдаги 110 га яқин корхона-ташкilot, фермер хўжалиғи ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Чўнончи, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий корхоналардан «Учте-патекс» 50 та иш ўрнини тақдим этди.

Ярмаркада 145 нафар аёл, 110 нафар турли касб мутахассислари доимий иш ўрнига эга бўлди. 87 киши касаначилик юмушларига, 40 киши касбий қайта тайёргарликка, 7 киши ҳақ тўланадиган мавсумий ишларга жалб этилди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

MEХНАТ advertisement with image of a tree and text: Эл сени танимоғи учун ҳадеб исми-шарифингни тақдорлайверишинг шарт эмас, — дейди термизлик олий тоифали эндокринолог шифокор Серко Каттаев. — Оданин элга меҳнати танитади. Мансабнинг, тоғларнинг катта-кичиги бор. Бироқ меҳнатнинг катта-кичиги йўқ. Меҳнат — улуг неъмат.

ЯРАТГАН МЎЪЖИЗА

Шу гапни эшитиб беиктиёр жарқуронлик Чори Чўптулатовнинг эсладик. Чори ака — агроном. Қишлоқ хўжалиқ фанлари номзоди. Туман аргосановат мажмуасига раҳбарлик қилган йилларида деҳқончиликни илмий асосда ташкиллаштириш ташаббусини кўтарди. Янгича лойиҳалар тузди. Уни эшитмадилар. «Олим бўлсанг ўзингга. Бизга ҳалақат берма», дедилар.

Қарангки, олимлигини эъозлайдиган замоналарга етди у. Фермер хўжалиғини тузди. Хўжалиғида дунёнинг турли минтақаларида ўсадиган антиқа даракларнинг қўчатларини етиштиришни йўлга қўйди. У олимлигини, иш билишини, қандай ишлаш лозимлигини кўрсатди. Унинг хўжалиғи гектаридан 45 центнердан кам ҳосил олмайтирди. Бу туманининг кўрсаткичидан 20 центнер зиёда. Фаллачиликда ҳам унинг олдига тушадигани йўқ. Даласида янги трактор, тағида энг сўнгги русумдаги янги автомобиль, ишчиларига юқори маош. Қулай шарт-шароит. Мана, сизга ҳалол меҳнатдан қозонилган мартаба.

Меҳнатдан мўъжиза яратишда термизлик Олим Ҳайдаровнинг ҳиммати ҳам Чўптулатовникидан кам эмас. Иқромжон тайёр қошони ё унмудор ерич эмас, чинқинди тўқилдиган ташландик жойни сотиб олишини сўраб ҳокимликка ариза ёзди. Уша жойни тозалаш, тоза тулроқ ташиб келиб тўлдирди. Ва, сатҳи эллик сотих келадиган

минг афсуски кафтедек томорқанин ажриққа бостириб ўтирдиганлар учраб қолади-я. Ўшандаги иш ёқмасларга ўрناк бўлиб Файзибой ишлади. Иссиқкона қургани йўқ. Бор-борда ҳар бир тули 100-150 минг сўм сотиладиган ноёб қўчатлар ҳам етиштирмайди. Қўчат эади

қўшимга, озгина бўлса-да, нафим тегсин деган оддий фуқаро. Ўзи кўзига суртиб яшаётган шу она заманининг тош деворини-да гулшанга айлантира олган миришор. Унинг фикрича юртга, юртдошларга меҳроқибатнинг ўз ёрлиғи-сертификати бор. Бу — меҳнат. Меҳнат бу йўлингнинг, сўзинингнинг, ўзинингнинг тўричилигини қайил бўлувчи гувоҳнома.

Саломлашиш учун С. Каттаевнинг ишончасига қирман. Бу гал ҳузурда беморлар йўқ экан. Бундай пайтда ҳам у бекор ўтирмайди. Газетага ёзадиган янги мақоласига мавзу қидиради. Ёзганларини китоб қилиб жамлайди. Мақалаларга чиқиб тоза ичимлик сув таъминоти, ҳамомларнинг ишини суриштиради, ҳеч бўлмаганда, миҳозларига совға қилиш учун мисовк — тишқовлагич тайёрлай бошлади. Ва режаларининг биронтасини ҳам оёқ остига ташлаб юбормайди.

Орамиздаги одамлар

— ўқроп, шивит, саримсоқтиёз. Шуларнинг пулига уч йил деганда «Нексия» олди. Уй қурди. Томорқаси бўлса кўп эмас. Бор-йўли — 5 сотиқ! Эркин Шомирзаевда бўлса, шу беш сотих томорқам йўқ. Баланд уйлариинг тўртинчи қаватида яшайди. Гулдор гиламлару хашаматли мебеллар билан беазаб ўрнига уйининг деворларига туваклар ўрнатиб чиққан. Тувакларда помидор, бодиринг, бўлғор қалампир, мош ўстиради. Бутун «дом»нинг катта-кичиги уни яқши танийди. Хўрмат қилади. Ахир, девор-томорқа хосилидан улар кўнглига ёруғ туйғуллар баҳш этаверсин...

Шомирзаев фан одами. Доцент. Айни пайтда кўни-

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

Жиззах шаҳридаги «Қалия» маҳалласида «Гулзор хонадон» кўрик-танлови уюштирилди.

«Гулзор хонадон» ғолиби Жиззах шаҳридаги «Қалия» маҳалласида «Гулзор хонадон» кўрик-танлови уюштирилди. Фаоллар ва оқсоқоллар ҳар бир хонадондаги обдончиликка баҳо беришди. Оилалардаги саранжом-сарихалик, орасаликка алоҳида эътибор қаратилди. Ховлисда 50 турдан ортик гулларни парваришлайётган Гулчехра Тожибоева хонадонни танлов ғолиби бўлди. Эндиликда Гулчехра опа ўстираётган, қўнчилик учун янгилик бўлган «Нонгул», «Фиксус», «Қора шаҳзода» каби гул қўчатлари бошқа хонадонларга ҳам тарқатилди.

Баҳридан САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

О'зLiDeP Сiеийсi Кенaши Ижрoви Кўмитaси жaмoаси Ижрoви Кўмитaси рaйсини Ижрoви Кўмитaси Мухлиси Акрoмoвaгa умр йўлдoши Шaвкaт АКРoМoВниинг вaфoти мунoсабaти билaн чўқур тaъзия ижзoр этaди.

«XXI ас» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси Табриқорлар ва ишбуларлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижрoви Кўмитaси рaйсини Ижрoви Кўмитaси Мухлиси Акрoмoвaгa умр йўлдoши Шaвкaт АКРoМoВниинг вaфoти мунoсабaти билaн ҳaмдaрлик билдирaди.

«Ўзфармсановат» Давлат акциядорлик концернининг жамоаси Ингема-таҳлилчи бошқарма бошлиғи, аппарат раҳбари Абдухалил Мадминжонович ХАСАНОВнинг вaфoти этганини мунoсабaти билaн мaрхумнинг oилa aъзолaригa чўқур тaъзия ижзoр этaди.

Тошкент Молия институти ректорати ва жамоаси Митематика кафедрасининг катта ўқитувчиси Рустам Юнусметовга падари бузрукворни Рaсудaмaт ЮНУСМЕТОВниинг вaфoти мунoсабaти билaн чўқур тaъзия ижзoр этaди.

Алишер Навоий номиди Узебекистон Миллий кутубонаси жамоаси Китобларнинг 1-тоифа кутубоначиси Жўрхон Соатовга падари бузрукворни Хасанкужа САЙДАРИМОВниинг вaфoти мунoсабaти билaн чўқур тaъзия ижзoр қилaди.

Advertisement for Farqona Velayati Filiali: Республика Кўчмас мулк биржаси Фаргона вилояти филиали нархлари ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади. Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. Фаргона вилояти хўжалик судининг 2005 йил 21 июндаги 15-06-04/3448-сонли ижро ҳужжатиға асосан, Кўкон шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, Кўкон шаҳри, Туркистон кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, Кўкон шаҳар 10-автобус саройига қарашли бино ва ишоотлар. Қурилиш ер ости майдони — 2.240,09 кв.м. Бошлангич баҳоси — 199 063 000 сўм. 2. Фаргона вилояти хўжалик судининг 2003 йил 19 июль кунги 15-03-08/2309-сонли ижро ҳужжатиға асосан, Кува тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, Фаргона вилояти, Кува шаҳри, А. Қорабоев кўчасида жойлашган, ХКМК-77 МЧЖга қарашли маъмурий бино ва ишоотлар. Қурилиш ер ости майдони — 526,83 кв.м. Бошлангич баҳоси — 55 737 737 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 28 май куни соат 11.00 да Фаргона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 35-уйда ўтказилади. Оқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар савдо ўтказилишдан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Фаргона вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: «Халқ банки» амалиёт бўлими ҳисоб рақами: 20210000700571452023, МФО 00497, ИНН 200 933 850, ОКОНХ 83300. Мурожаат учун телефон: 8-373- 224-68-70. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

TOШKENT XАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ 17 МАЙ, ШАҢБА 10.00 – 14.00 ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ўтказилишини эълон қилади. Университетда мавжуд бўлган барча йўналишлар ҳақида батафсил маълумот олишингиз мумкин. Бакалаврият: Умумтаълим курси, Бизнес бошқарув, Бизнесда ахборот технологиялари, Иқтисод, Тижорий ҳуқуқ. Магистратура: Халқаро бизнес ва менежмент. Тайёрлов курслари: Инглиз тили, IELTS, Математика. Бизнинг манзил: Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Охунбоев кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 232-27-74, 237-46-54, 238-74-74.

Small text at the bottom right corner.

# РОСТ ГАП ЭЗГУЛИКДИР

Одамзод яратилибдики, ёлгон билан ростгўйлик бирга яшаб ва ўзаро курашиб келади. Ростгўйлик эзгуликка, ёлгон эса разолатга етаклайди. Бу ҳаёт синовида тасдиқланган ҳақиқатдир.

Маънавиятимиз, динимиз, маърифатимиз ҳам ростгўйлик нймондан эканини уқтиради, ёлгонни эса қоралайди.

Ёлгоннинг азоби ҳам, зарари (ғуноҳи) ҳам кўп. Аввало айтилган биттагина ёлгон сўз унинг соҳибини бербурд ва шармисор қилади, уни барча наъматлардан маҳрум этиб, турли офатларга дучор этади. Чунончи, покиза нймон ҳаммамизга, ҳамма соҳада доимо ростгўй ва ҳалол бўлишни тақозо этади. Айниқса, мол сотишда унинг камчилик-нуқсонларини айтиб сотиш талаб қилинади. Лекин бозорларимизда баъзи сотувчилар айрим ҳолларда бу пандонг аксини қилади-лар. Улар ўз манфаатлари исканжасидан ўрналиб қўлиб, «Тақа бўлсин сўз берсин», қабилида «фаолият» кўрсатадилар. Масалан, қассоб қари мол

гўштини ғунажиннинг гўшти, деб солади, баъзан. Эчки гўштини эса қўй гўшти деб ёлгонлайди. Агар гўруч олаётган бўлсангиз, айрим сотувчилар тарозидан уриб қолаётгани етмагандек, қўзингизни шамғалат қилиб гўручнинг майдасини (оқжогини) қўшиб юборади.

Кўриниб турибдики, ҳийла, қаллоблик, мунофиқлик ёлгоннинг йўлдоши экан. Ҳақни ноҳақ деб мунофиқлик қилиш, «тўқиб чиқарилган» ёлгон-яшиқ гаплар, айдов, иғво, бўҳтонлар тарқатиш кишиларни тўғри йўлдан тўйдирди, ҳатто, улар ўртасида турли низо ва фитналар чўкишига олиб келади.

Демак, ёлгончилик — ашаддий иллат. Шунинг учун ҳам муборак Ҳадисда «Галларнинг ёмони — бу, ёлгончиликдир. Ёлгончи ҳазил билан ҳам, жиҳдий ҳам гагириб бўлмайди», дейилган. Лекин баъзан вақт ва зарурият тақозоси билан муболағали ё тасалли сўзлар айтишга рухсат берилган.

Кўпинча ўта эзма, фаросатсиз кишиларга ҳам дуч келамизки, улар кимнингдир гийбатини қилиб ёки баъзи одамларга нисбатан ҳақоратомуз ёхуд ахлоққа зид ва ёлгон гаплари билан кишининг гашини келтиради. Бундай шароитда тингловчи ҳолдан тояди ва нафрати ошади. Шунинг назарда тутиб

шароитда рост гапираман деб бу кишиларни «анави чўлоқ» ёки «ҳалиги чўтир киши» деб орқадан нуқсонини айтиб гапириш ҳам ярашмайди.

Ҳаёт тажрибаси вазиет тақозо қилган ҳолатлардагина бироз муболағали сўзлар айтишга рухсат берилди, дедик. Яъни, ёш болаларни эгри йўллардан қайтаришда, аразлашган кишиларни яраштиришда, беморларга таскин ва руҳий мадад беришда ҳамда кишиларни адолатсизлик қурбони бўлишига йўл қўймастик ҳолатларида, шунингдек, дафн маросимларида, яъни кишиларни охириги йўлга кузатиб қўйиш чоғларда тингловчи гап айтилса эътироз билдирилмайди. Жумладан,

Ҳа, ёлгон бор жойда эзгулик йўллари ёпилади. Ростлик эса худди ҳалоллик сингари инсон ҳаётини доимо ёритиб туради.

Зайиддин ИСАМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

## Маънавият

Юсуф Хос Ҳожиб: **Тилингни тий, тишинг синмасин, Бу турган халойиқ сенга кулмасин,** деганлар.

Аслида, бу ҳикмат вақт ва зарурият талабини ифода этади, унга риоя қилишга чорлайди. Акс ҳолда «Қош қўяман деб кўз чиқариш» ҳам мумкин. Фараз қилайлик: баъзи кишилар ғилай, кар, чўлоқ, пакана ё новча ёки чўтир бўлади. Шундай

барҳаёт чоғида қилган ноҳўя ишларидан қатъий назар, ёруғ дунёдан кўз юмган ва дафн қилинаётган кишининг қабири устиде: «Марҳум қанақа одам эдилар?», деган саволга кўпчилик томонидан «Яхши одам эдилар», деб жавоб қайтарилиши ўзбек одобида хос чинакам яхши аънанадир. Шу маънода, «Баттолликка бошловчи ҳақиқатдан эзгулик йўлидаги ёлгон афзал» деган халқ нақли бежиз айтилмаган.

Қадимги ривоятларда айтилишича, бир шаҳарда ёлгончи киши бўлиб, у йилнинг фақат бир кунидagina ёлгон сўзлашга одатланган экан. Аммо шу бир кун ичидеёқ ўз ёлгонлари билан бутун шаҳарни оёвқа турғазиб, хонадонлар ҳаётини остин-устун қилиб ташларкан. Қарангки, ёлгончининг ўша «ёлгонлайдиган» кунини келишидан бутун юрт аҳли ташвишга тушиб хавотирда яшаркан.

**Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport**

Ўзбекистонлик спортчиларнинг Хитой пойтахти Пекинда бўладиган ХХІХ ёшга Олимпиадада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари кўпайиб бормоқда.

### ЙўЛЛАНМАЛАР 47 ТАГА ЕТДИ

Кунини кеча Японияда яқунланган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Олимпиада йўлланмалари йўлланма берувчи Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Жумладан, 1000 метр масофага каноэда эшак эшиш баҳсларида Вадим Меньков маррага биринчи бўлиб етиб келиб, Олимпиада йўлланмасига эга бўлди. 1000 метр масофага каноэда эшак эшиш бўйича жұфтлик беллашуварлари

эса Серик Мирбеков ва Герасим Кочневлар жұфтлиги Олимпиада йўлланмасини қўлга киритдилар.

Миллий Олимпия қўмитасидан олинган хабарда айтилишича, Италияда юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда яна бир вақилимиз Дилшод Орипов (60 килограмм.) Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.

Шундай қилиб, ҳозирча спортчиларимиз ҳисобидеги йўлланмалар сони сони 47 тага етди.

Таиланд пойтахти Бангкокда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланди.

### ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Футзалчиларига қарши ўтказиб, йирик — 10:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Беллашувда йигитларимиздан Хуршид Тожибоев жет-трикка эришган бўлса, Илҳом Юсуфонов (2 та), Николай Одушев, Умид Холматов, Фаррух Фахрудинов, Баҳодир Аҳмедов ва Шўхрат Тожибоевлар ҳам рақиб дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлишди. Гуруҳдаги Ливан — Жанубий Корея учрашувида 5:5 дуранг натижа қайд этилди. Иккинчи турда Жанубий ко-

реялик футболчиларга қарши майдонга тушган вақилиримиз 4:3 ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финал масаласини даярлик ҳал қилдилар.

Эслатиб ўтамиз, қўта чемпионатида муваффақиятли иштирок этган турта жамоага жорий йилнинг 30 сентябрь — 19 октябрь кунлари Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси берилади.

**Зийдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

## ПАХТАБОДЛИК ЧЕМПИОНЛАР

— Ҳаммаси эътиборга, ғамҳўрликка боғлиқ экан, — дейди Пахтаобод туман каратэ клубининг раҳбари Ғуломқодир Абдураҳимов. — Авваллари, кураш тушувчи полковларни ҳисобга олганда, намдор спортчиларнинг кўпчилиги кишлоқда туғилиб, шаҳарда чемпион бўларди. Чунки спорт мажмуалари, ўйингоҳлар асосан, шаҳарларда мавжуд эди. Қарангки, доврлик спортчилар энди ўз маҳалламиз, кишлоғимиздан етишиб чиқяпти. Шахмат-шашка усталари сулоласи Қаримовлар оиласини, иқтидорли футболчи Абдумуталиб Абдуллаев, теннисчи Элёр Холиқов ва бошқа ажойиб спортчиларимиз номини водийгина эмас, бутун мамлакат билади.

### Фахр

Ҳамма ерда бўлгани каби Пахтаободда ҳам спортга панажа орасидан эмас, катта орзумидлар билан қарала бошланди. Ана шу мақсадларнинг самараси ўларок эндиликда туманда туртта спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. 41 та мактаб ўзининг ҳавас қилса арзири спорт залига эга. Жойларда спортнинг йигирмадан ортиқ турлари бўйича клублар, тўрақлар очилди. Бугун уларга 25 минг нафардан зийд ўғил-қиз жалб этилди. Бир пайтлар оддий футбол ёки волейбол туғини навбат талашиб ўйнаган ўғил-қизлар кейинги икки йилнинг ўзида 15 миллион сўмлик энг замонавий анжуман билан таъминланди.

Кишлоқда дунёга келган дадасидан спортнинг ёш танламайдиган мазкур тури сирасорларини ўрганди. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидеги болалар ва ўсмирлар спорт мактабидеги ўз маҳоратини оширди. У қаторасига уч қарра республика чемпиони бўлди.

Ўтган йили Санкт-Петербургда шаҳрида ўтказилган халқаро турнирдан бронза медали билан қайтди.

Футболга шиддат билан кириб келган Абдумуталиб Абдуллаев-чи? Ҳа ҳаётини спортсиз, айниқса, футболсиз тасаввур ҳам эта олмайдиган бу ўғлон мамлакат ўсмирлар терма жамоасининг аъзоси. У 2007 йилнинг энг яхши футболчиси деб топилди ва республика футбол федерациясининг соврини билан тақдирланди.

Пахтаободда чакнаган юдузлардан яна бири Азизбек Нуриддиновдир. Спортнинг каратэ тури бўйича унга бас келадиганлар туман ва вилоятда кам топилади. Кейинги йилларда мамлакат ва халқаро мусобақаларда Азизбекнинг қўли ҳаммаша баланд келаётди. Утган йили у Японияда ташкиллаш-тирилган халқаро беллашуварларда бронза медали соҳиб бўлди.

Қишлоқда чакнаган юдузлар Ешлар йилида ажойиб ғалабалари билан барчани маҳлиё этишига шубҳа йўқ.

**Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## CHIROYLI RAQAMLAR 2 BAROBAR ARZON!

### Aksiya 2008 yil 25 maygacha davom etadi!

#### O'zingiz uchun chiroyli raqamni tanlang! Narxlar 5 dollardan boshlab!

#### Endi maxsus raqamlarni 50% chegirma bilan olishingiz mumkin!

Raqam turlari	Narxi	Chegirmali narxi*
Bronze	\$10	\$5
Silver	\$30	\$15
Gold	\$100	\$50
Platinum	\$200	\$100
VIP	\$400	\$200

\* faqat aksiya davomida

# С COSCOM

100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — А. Орпов.  
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.  
Навбатчи — Ю. Бурунов.  
Мусахҳах — Ҳ. Тошқужаев.

### Халқ сўзи Народное слово

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Хорижлик сайёҳ ўзбек устаси ясаган бежирифт офтобани қўлга олиб, завқ билан томоша қилади. Унинг юз-кўзидан, бошини сарак-сарак қилиб, жимлайган кўйи дам қўлидаги буюмга, дам уни ясаган моҳир хунармандга ҳайратланиб боқибдан «Санъатингизга қўйил-е», деган маънони уқиб мумкин. Меҳмон бу ноёб санъат асарини сотиб олишга охиқиб, унинг нархи билан қизиқади. Шу тоғда, негидир, уста хомуш тортаддек. Меҳмоннинг қўлидаги офтобадан кўз узмайди. Жилмайиб қўяди-ю, хаёли паришон.

# УСТАЗОДАЛАР


Қирқ йилдирки, Мақсуджон Мадалиевнинг шу феълӣ ўзгармади. Ҳар гал ясаган буюмини кимгадир бераётса, шундай ғалати ҳолга тушади. Ойлаб калб қўри, бор меҳрини бериб ишлаган буюмлари энди ўндан йирок кетишини ўйласа, юраги ҳўвиллайди. Бир муддат вақт ўтган эса бу маъзунлик ўрнини ўз-ўзидан қувонч ҳисси эгаллай бошлайди. Ахир,

нега ҳам қўвонмасин, уста шу хунари туфайли жаҳон миқсидеги нуфузли кўргазмаларда қатнашапти. Бугун у ясаган лаган, чойгун, офтоба, шамдон, гулдон, қўза, кашкул (қадимий челақ), пиёла, шоко-са сингари мискарлик-қандакорлик буюмлари қўллаб хориж кўргазмаларининг кўригига айланган. Қўли гул хунарманд,

монига мувофиқ «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

— Уч юз йиллик тарихга эга хунармандлар сулоласининг еттинчи авлодидан, — гурур билан сўзлайди суҳбатдошимиз. — Бу номга муносиб бўлиш учун вақтида не-не машаққатларга дош беришга тўри келган. Бир замонлар хунарманднинг эмин-эркин фаолият юриши, меҳнатига яраша бунгидек рағбат ва имтиёзлар, миллат маданияти ва санъатини жаҳонга ёйиш деган тушунчалар йўқ эди. Бугунги шароит ва имкониятларни эса санаб адоғига етолмайсиз.

Айни пайта Мақсуджон ака «Устозода» халқ амалий санъати усталари корхонасида ёшларга мискарлик-қандакор-



лик сирларини ўргатиш билан банд. Уч ўғли, йигирма-ўттиз чоғли шоғирдини атрофига тўплаб, эрта тондан иш бошлайди. Бир гуруҳ шоғирлар мискарлик, яъни хом ашёга шакл бериш билан банд. Ўртанча ўғил бошчилигидаги рихтагарлар — буюмга даста ясовчиларга тенг келадиганини бу яқин ўртадан топиш мушкул. Катта ўғил Фаррухбек эса қўли гул қандакор, саводгар (мисга ўйиб нақш чизувчи уста). Хуллас, бу ерда ҳеч кимнинг бўш ёки лоқайд ўтирганини кўрмайсиз. Металлни эғовлаш, болғалаш, кавшарлаш (буюм қисмларини бир-бирига ёпиштириш), рихталаш, хуллас, бари меҳнат, кунт, сабр ва дид талаб қилади. Бундай пайта ишдан бошқа нарсани ўйлаб бўларканми?

Устанинг умр йўлдоши — Зулфия Мадалиева ҳам ўн нафар ёш шоғирдини қандакорлик хунари сирларидан воқиф қилмоқда, десак, нима дейсиз? Аммо, рости, хунармандга ҳаммаслақ яшаш унга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Тўғрироғи, турмушининг сурунли давларида умр ҳабибининг бебаҳо бойлик — хунардан юз ўғирмаслиги, бошқа ишга тўтинмаслиги учун шундай қилди. Аёл боши билан унча-мунча бақувват йигитлар ҳам оғир ва машаққатли меҳнатидан нолайдиган шу ишни мерида-сиригача ўрганишга аҳд қилди. Бунинг урдасидан чиқди ҳам.

Зулфия устанинг ота-боболардан мерос аънанани асраб-авайлаш, уни келгуси авлодга етказиш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатларини Мақсуджон уста тилидан эшитсангиз, гўё гузал бир дoston ўқигандек бўласиз...

**Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

### САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ

Наманган вилоятининг Тўрақўрган туманида «Ешлар гйёҳвандликка қарши» шиори остида акция ўтказилди.

Тадбирда халқ ижодиёти илмий-услубият маркази, туман халқ таълими ва ички ишлар бўлими мутасаддилари иштирок этиб, ёшларга гйёҳвандликнинг аянчи оқибатлари ҳақда гапириб беришди. Шунингдек, тадбирда «Ешлар йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, йигит-қизларнинг бўш вақтинини унумли ўтказишга қаратилган қатор чора-тадбирлар режаси иш-лаб чиқилди.

**Мухтасар КАРИМОВА.**

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10. Тошхирли — 22.10. 1 2 3 4 5 6 8